






ЖАҲОН 24 соат ичида

Ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

"Intel" компанияси Хиндистон ҳукумати буюртмасига асосан, арзон компьютерларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



Мазкур компьютерлар "Intel Atom" процессорлари базисда йиғилмоқда, дея хабар беради "IDG News" ахборот агентлиги. Янги компьютерларни хиндистонликлар беш минг рупий (115 АҚШ доллари)га сотиб олишлари мумкин. Бу лойиҳа орқали мамлакатда Интернетнинг оммавийлаштириши эришиши мумкин.

Бугунги кунда бир миллиарддан зиёд аҳолига эга бўлган Хиндистонда атиги 4,6 миллион киши Интернет тармоғидан фойдаланмоқда. 2012 йилгача юз миллион киши Интернетдан фойдаланиши мумкин.

Табийй офат оқибати

АҚШда юз берган "Густав" тўфони мамлакат аҳолисига кўплаб ноқулайликлар келтирди.



аҳолиси электр тармоғидан фойдалана олмаётган. Шунингдек, икки миллионга яқин киши хавфсиз жойларга кўчирилган. Тўфон мамлакат иқтисодига бир неча миллиард АҚШ доллари миқдоридан зарар келтирган.

"Густав" аввалроқ Куба, Гаити ва Доминикан Республикаси ҳамда Мексиканинг нефть конларига жиддий зарар келтирган.

Самолёт ғойиб бўлди

Конго Демократик Республикаси шимолида гуманитар ёрдам юклари ортирган самолёт ғойиб бўлди.

"Рейтер" ахборот агентлигининг хабарига мазкур ҳаво кемаси БМТга тегишли эканлиги айтилган. — Биз самолёт ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз, — дея айтиб ўтган БМТнинг Конгодаги вакили.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, самолётнинг исиз йўқолишига кучли қум бурни сабаб бўлган. Айни пайтда қидириш ишлари олиб борилмоқда.

Музликлар эримокда

XXI аср охирига келиб ер юзига музликларнинг асосий қисми эриб кетиши мумкин.



Бундай фикр БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза этиш дастури (UNEP) томонидан тайёрланган маърузада келтирилди. 1996-2005 йиллар оралиғида олиб борилган тадқиқотларда музликлар қарийб ярим метрга эриб кетгани маълум бўлган.

Бу олдинги ўн йилликка нисбатан икки баробар юқори кўрсаткичдир. Шу боис 2009 йили Колонгагада ўтказилган йиллик анжуманда иқлим ўзгаришлари муаммолари атрофича муҳокама қилинади.

Нефть нархига тўфон сабаб

Душанба кунги ўтказилган савдоларда нефть нархи сезиларли даражада арзонлашгани кузатилди.

Нью-Йорк биржасида бир баррель "қора олтин" (етказиб бериш билан бирга) 111,12 АҚШ долларига сотилган. Лондонда эса бир баррель нефть учун 109,73 АҚШ доллари миқдоридан ҳақ олишди.



Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Нью-Йоркда бир баррель нефть 115,46, Лондонда эса 114,05 доллардан нархланган. Мутасаддилар "қора олтин"нинг пулга нисбатан қиймати тўлаб кетишига "Густав" тўфони келтирган талафотлар сабаб бўлаётганини келтириб ўтишган.

Ёввойи айиқлар ҳаракати

Камчатка губернатори ва ҳукумати матбуот хизматининг таъкидлашича, ёввойи айиқлар гала-гала бўлиб аҳоли яшаш пунктлари томон бостириб келимоқда.

Бу ҳақда "Дейта.RU" Интернет сайти хабар тарқатди. Йил бошидан буён Камчатка ҳудудида 18 та айиқ отиб ўлдирилган. Айни пайтда ёввойи ҳайвонлар аҳоли яшаш жойларига жуда яқин маконларда изғиб юрибди. Айиқлар жорий йил ёзида уч нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлган. Жониворларнинг бундай жунбушга келиши сабаблари тўғрисида ҳозирча мутасаддилар фикр билдиришмаяпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

КОЛЛЕЖДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Урганч ахборот ва компьютер технологиялари касб-хунар коллежидан навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркага, асосан, шаҳардаги касб-хунар коллежлари битирувчилари тақриф қилинди. Тадбирда Урганч шаҳридаги 25 та корхона ва ташкилот 880 та буюш иш ўрни билан қатнашди. Шу кунги кўчилик ёшлар ўқувчилари ишли бўлиб қайтидилар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Асакада Олимпжон Турғуновни кўпчилик танийди. Асли касби — педагог. Ҳозир пенсияда. У билан бир пиёла чой устида дилкашлик қилган одамнинг бахри-дили очилади.

— Истиқлолимиздан ўргилай, унинг шарофати, димоғининг чоғ, руҳининг тетик килувчи куч-қудрати камалакнинг рангидай товланади-я. Ишонасизларми, кеча банкдан пул беришди, бели букилмаган мингталиклар, ўзим.

— Намунча озингиз қулоғингизда? Тушунтириброқ гапирсангиз-чи, Олимпжон ака? — таажубини яширолмади куйирокда ўтирган ҳамсоя. — Нима, банкнинг омонатига қўйган пулингизга ютук чиққими? — У ҳам эмас, бу ҳам эмас. Менинг ёшимга етсаларинг, сизлар ҳам худди шундай мўмай пул тегади. Меҳнатнинг тағи роҳат, деганлари шу, биродарлар! — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамғарилиб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори Олимпжон акага ўхшаш ёшдагилар учун ҳам маънавий, ҳам моддий рағбат бўлди, — дейди Асака тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Баҳромжон Иминов. — Биз, энг аввало, мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга эътибор қаратдик. Маҳалла ва гузарларда бўлиб, сўхбатлар ўтказдик.

лари инсоннинг ёши улғайиб, белидан мадор, кўздан нур кетадиган бир паллада асқотадиган жамғариб бориладиган пенсияси масаласига қандай муносабатда бўлмоқдалар? — Эътиборлиси, қўл остидагиларга гамхўрлик қилишга ўзини масъул ҳисоблаган раҳбар борки, ана шу ҳужжат талаблари ижросини таъминлашга интиломоқда. Шу ўринда «Асақадонмаҳсулотлари» очик акциядорлик жамиятида ҳам бу масалага жиддий эътибор олиб кўрайлик. Бу жамоада 470 нафардан ортик ишчи-хизматчи ишлайди. Утган йили жисмоний шахслардан 823.039 миң сўмдан зиёд даромад солиғи ундирилган эди. Шунинг ҳисобига 8.230.4

миң сўм маблағ бир фойзлик пенсия бадалига йўналтирилиб, бу борада белгиланган режа охириб удаланди. «2-Асака тахриб-экспериментал пахта тозалаш» ҳиссдорлик жамиятида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилляпти. Жумладан, жорий йилнинг утган даврида ишловчиларнинг Халқ банкдаги ҳисоб рақамига салкам 2 млн. сўмлик тўловлар ўтказилди. Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш шу тарзда ташкил этилляпти, деб бўлмайди. Хусусан, «Маъмурчи» фермер хўжалиги, «Улкан-96» ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа айрим жамоларда Қарор талабларининг бузилиши ҳолат-

Қарор ва ижро

Фўқароларнинг саволларига аник-пукта жавоб қайтаришга интилдик. Халқ банкнинг бўлим ва шохобчаларида туманимизда фаолият кўрсатаётган 1880 та хўжалик юритувчи субъектнинг тақдимино-масига кўра, 29847 нафар фўқаронинг ҳар бири учун яқка тартибдаги жамғариб бориладиган ҳисобварақлари очилди. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтараляри берилди. Тизимда ҳисоб-қўйишнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилди.

Маҳалла

Дарҳақиқат, мазкур вазифалар босқичма-босқич амалга ошириляётгани самарасини шундан ҳам билиш мумкинки, жорий йилнинг утган олти ойи мобайнида 72,2 миллион сўм миқдоридagi бир фойзлик пенсия мажбурий бадалляри фўқароларнинг банкдаги ҳисобварақларига ўтказилди. — Жойлардаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарляри ва мутахассис-

Пойтахтимиздаги "Мовароуннахр" маҳалласида байрамолди хашари уюштирилиб, кўча ва гузарлар обод қилинди, кўп қаватли биноларга байрамона безак берилди. Кам таъминланган оилалар фарзандляри, кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олдилар.

АЙЁМ ШУКУҲИ
Ана шундай байрам шуқуҳи кезиб юрган бир паллада маҳалла фаолларидан бири, Тошкент давлат шарқшунослик институти мумтоз филология факультети профессори, танкили шарқшунос олими Суййима Ганиева "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Шу тариқа, байрам байрамга уланиб кетди.
Куни кеча маҳалла ахли қўшалоқ байрамни муносиб нишонладилар. Байрам дастурхонага 150 нафардан зиёд маҳалла кексалари, аёллар ва болалар тақриф этилди.
— Мустақиллик байрамини ҳар йили катта шодияналар билан нишонлаймиз, — дейди маҳалла фўқаролар йиғини раиси Карима Очилова. — Кўп мил-

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва курилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш усқуналари ва технологияляри
- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.
«POLIMER GROUP ASIA»
Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.
Web: www.powerglob.com
e-mail: info@powerglob.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ҚУЙИДАГИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
«Иқтисодийёт, молия ва банк иши назарияси» кафедраси буйича — доцент;
«Тиллар» кафедраси буйича — доцент, катта ўқитувчи;
«Информацион технологиялар ва статистика» кафедраси буйича — профессор;
«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси буйича — доцент;
«Қимматли қоғозлар ва биржа иши» кафедраси буйича — кафедра мудир;
«Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш» кафедраси буйича — кафедра мудир, катта ўқитувчи;
«Бошқарув» кафедраси буйича — кафедра мудир, доцент;
«Молия» кафедраси буйича — кафедра мудир, профессор, доцент;
«Халқаро молия институтлари» кафедраси буйича — катта ўқитувчи;
«Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси буйича — доцент.
Кафедра мудир лавозими танловида тегишли ихтисослик буйича фан доктори ёки номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли шахслар иштирок этишляри мумкин.
Профессор лавозими танловида тегишли ихтисослик буйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли ҳамда камиди беш йиллик илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари буйича дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.
Доцент лавозими танловида тегишли ихтисослик буйича илмий даражали, илмий унвонли, камиди уч йил илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари буйича ўқув-услубий қўлланма ва ўқув дастурлар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.
Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, камиди икки йил илмий-педагогик стажли шахслар қатнашиши мумкин.
Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишляри лозим:
1. ректор номига ариза;
2. кадрляри ҳисобга олиш буйича шахсий варақа;
3. дипломлар ва аттестатлар нусхалари;
4. илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
5. малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.

Фарғонада қовун сайли
Ҳар йили олтин кузда вилоят марказидаги Аҳмад ал-Фарғоний номли богда қовун сайли ўтказиш фарғоналиклар учун анъанга айланган.
Ҳафта мобайнида вилоятдаги барча туманлар полизчилари, фермерлар ўзляри етиштирган қовунлар билан шаҳарликлар ва меҳмонляри сийлашди.
Сентябрнинг дастлабки кунлярида Тошлоқ, Ёзёвон, Фарғона туманляри деҳқонлярининг маҳсулотляри намойиш қилинди. «Қимнинг қовуни ширин» мавзусида танлов ўтказилиб, 5 тоннадан зиёд қовун тилим-тилим қилиб, қатнашчиларга тарқатилди. Йиғилганлар Ёзёвон туманидаги «Толқудуққум» фермер хўжалиги ражаб-ри Абдумуталиб Мамажонов қовунлярига юқори баҳо беришди.
Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

SONATA Ўз йўлнингни танла!
КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
HYUNDAI Official Partner
Tel.: 250-11-11.
Drive your way

ООО «Росагропромснаб» предлагаєт:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»
СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М
На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставяет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.
Адрес: г.Ташкент, Чиланзар, к-л № 6, д.2 (Ор-метр «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован.
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57.

Яхши хабарлар
Нурота тумани марказидаги дам олиш ва истироҳат боғи қайта тазминланган. Ушбу мақсадда ҳомийлар томонидан 35 миллион сўм маблағ ажратилган.
Кўркам истироҳат боғи
Йўлаклар, гулхоналар, гулзорлар, гулзорларнинг камалакранг мармур тошляри билан безатилди. Жозибали фаввора атрофи ёшларнинг сеvimли хордиқ чиқарадиган жойига айланган. Тўрт гектарга яқин боғ ҳудудида катта ободончилик ишляри бажарилди.
Истироҳат боғининг доимо яшил либосда товланиши учун ер ости сув насосидан фойдаланилмоқда. Тазминлаш ишлярида маҳаллардаги боғонлар ва тош терувчилар, туман коммунал хўжалиги бўлими ҳодимляри фаол қатнашдилар.
Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хорижий лойиҳа доирасида
Вобкент курилиш касб-хунар коллежи Германия Тараққийёт банкнинг иштиёбли кредити ва грантига муносиб кўрилди.
— Коллежимизда сақиз-та ихтисослик буйича мутахассислар тайёрланади, — дейди директор Шавкат Исмомидов. — Хорижий лойиҳа доирасида гаш таъминоти ва курилиш ишляри йўналишида зарур жиҳозлар оламиз. Германия билан техник ҳамкорлик малакали кадрлар тайёрлашимизда кўп келади.
Ғиждувон курилиш ва коммунал, Галаосиё курилиш ва транспорт касб-хунар коллежляри ҳам Германия ҳукуматининг «Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ўрта махсус таълимни ривожлантиришга қўмаклашиш» лойиҳаси доирасида грантга сазовор бўлган ўқув муассасалари қаторидан ўрин олди.
Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шаҳар чиройини очди
Қ. Отамирзаев номидаги кўчада қад ростлаган янги касб-хунар коллежи биноси Наманган шаҳри хуснига ярашилди тушди.
Шарқона меъморчилик ва замонавий муҳандислик ютуқляри асосида тикланган мазкур ўқув маканида 885 нафар ёш тахсил олади.
Ўқув хоналяри, устакхона ва маданий-маърифий тадбирларга мўлжалланган зал бунёд этилиши ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланиши учун давлат томонидан 2,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.
Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ

хабарлари

НООДАТИЙ КЎРГАЗМА

Тошкент Фотосуратлар уйида ноанъанавий суратлар кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Муаллифлар томонидан кўргазмага тақдим этилган асарлар, асосан, сюрреализм йўналишида яратилган. Суратлардаги шакл ва мазмуннинг ноодатийлиги киши эътиборини тортади, ҳаётимизда рўй бермаётган янгилик ва эврилишлар ҳусусида кенгрок мушоҳада юритишга мурожаат қилади.

Шунингдек, фотозотод усталири Ш. Каримбобоева, Турсун Али, В. Жирнов иккидан мансуб суратлар ҳам ноосфера санъатининг янги-ча баъдий услубларини фойдалангани ҳолда таъсирчан мавзулар ақл эттирилганлиги билан аҳамиятлидир.

БЕБАҲО ХАЗИНА

ҲАДЯ ЭТИЛДИ

Адабиётшунос олима Чўлпоний Султонова шахсий кутубхонасидаги 2 минг дона китобни жавонлари билан бирга халқаро «Олтин мерос» жағнамасининг вилоят бўлимига топширди.

Бу китоблар Қарши шаҳридаги «Қиличбек мадрасаси» мейморий ёдгорлигида ташкил этилган «Мерос» кутубхонасидан жой олди.

Олима адабиётшунослик, тиббиётга оид илмий рисола-лар, жаҳон мумтоз адабиёти намуналари ва ўзбек адаблари асарларидан иборат маъруза нўбати илм хазинасини узок йиллар мобайнида тўлган эди. Олий ўқув юртида таъбаалаога дарс бериш жараёнида улардан фойдаланди, ўзи ҳам илмий рисола-ларга муаллифлик қилди. Нафақага чиққан, бу китобларни кўнгилнинг мулкига айлантиришга қарор қилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ



Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси ички ишлар идоралари учун етук мутахассис ва раҳбар кадрлар етказиб бериш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш борасида нафақат мамлакатимизда, балки ҳамдўстлик давлатлари орасида ҳам юқори нуфузга эга ўқув юртларидан хисобланади. Мазкур билим даргоҳида 1-курсга қабул қилинган курсантларнинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзолари, Ички ишлар вазирлиги масъуллари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тингловчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Б. Матлюбов, академия бошлиғи А. Якубов ва бошқалар ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар тинчлик ва оқилолтига мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидладилар.

Бундан бир ой муқаддам 400 нафар тингловчи академиянинг биринчи курсига қабул қилинган бўлиб, улар бир ой давомида ҳарбий дала ўқув марказида жисмонан чиниқиб, бошланғич кўникмаларга эга бўлдилар. Шу тариқа улў байрамимизга курсантларнинг қасамёд байрами уланиб кетди. Қасамёд улардан юқори малакали

Тадбир

кадр бўлиб етишиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда олдинги сафларда бўлишни талаб этади.

— Биз ахдига вафо қилган, шижоатли ва мард саркардаларнинг воорисимиз, — дейди 2-курс тингловчиси Жаҳонгир Қобулов. — Қасамёд чоғида шунчакур хис этгандим. Бу йилги тингловчилар ҳам ана шу юқни, ана шу масъулиятни бутун вужуди билан ҳис этди, назаримда.

Қасамёддан сўнг тингловчиларни ички ишлар идоралари вакиллари, ота-оналар, юқори курс тингловчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари кутладилар. Зеро, қасамёд айлаб, улкан масъулиятни ўз зиммасига олган бу ёшлардан умидимиз катта.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Ривалдо — «Бунёдкор»да

Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси етакчи жамоалари ўз сафларига тажрибали хорижлик футболчиларни жалб этишни давом эттиришмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси бразилиялик жаҳон футбол юлдузи, афсонавий ўйинчи Ривалдо (унинг тўлиқ исми-шарифи Ривалдо Витор Борба Феррейра, туғилган санаси — 1972 йил 19 апрель) билан шартнома имзолади. Бу ҳақда «Бунёдкор» жамоасининг матбуот хизмати хабар тарқатди.

1999 йилда Европанинг энг яхши футболчиси, 2002 йилда жаҳон чемпиони бўлган Ривалдо ўз маҳорати билан миллионлаб ўзбек ишқибозларини хушнуд этишига ишонамиз.



Хитой жаҳон чемпионатида даъвогар

XXIX ёшги Олимпиада ўйинларига Хитой мамлакатига энда футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатини ўзида қабул қилиш таклифи билан чиқди.

— Биз ҳозир бу таклифни ўрганиб чиқаямиз, — дейди халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Зепп Блаттер. — Ҳозирча шундай касида ўтказилади. 2014 йилги ЖЧҒа нарса маълум бўлдики, Хитойда жаҳон чемпионатини қабул қилиш учун ҳал этилиши лозим бўлган масалалар бор. Дастлаб шу муаммоларни ҳал қилиш керак. Хуллас, 2022 йилдан олдин Хитойда футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтмаслиги аниқ.



Эслатиб ўтамиз, 2010 йилги жаҳон чемпионати Жанубий Африка Республикасида ўтказилди. 2014 йилги ЖЧҒа эса Бразилия мезбонлик қилади.

Мустақиллик байрами арафасида «Машъал» (Қашқадарь) футбол академияси тарбияланувчилари учун яна бир қулайлик яратилди, деб хабар беради uff.uz сайти.

Сунъий майдон ишга тушди

Италиянинг «Монде» фирмаси билан ҳамкорликда академия ҳудудида сунъий қопламали футбол майдони фойдаланишга топширилди. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу майдонда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам футболчилар бемаъл тўп сура олади.

Эътиборли томони, бундай ноёб майдон шу пайтгача фақатгина Ўзбекистон футбол федерацияси қошида мавжуд эди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ОРЗУЛАРИМ ОСМОН ҚАДАР

Халқаро мусобақаларда кўп қатнашганман. Бироқ жорий йилнинг июль ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган от спорти бўйича жаҳон кубогининг учинчи минтақавий босқич саралаш ўйинлари анчагина ҳаяжонли кечди. Гап шундаки, мусобақа сўнгида мезбонлар вакили Егор Маровский билан кўрсаткичимиз деярли бир хил бўлиб, голибни аниқлаш учун қайта баҳслашишга тўғри келди.

Ифтихор

Ушим учун нихоятда қадрдон бўлиб қолган отим — «Рио Сакраменто»ни тўсиқлар сари йўналишга эканман, кўз олдимда се-викли юртим, ота-онам, устозим, жонажон дўстларим гавдаланди. Файратим жўшиб, тулпоримни ниқтадим. Жонивор ҳам мени тушунгандай шахдам сакради. Ҳаммасини сониялар ҳал қилди. Тўсиқларни қрозқ чавандозидан етти сония аввал забт этиб, Гран-при соҳиби бўлдим.

Батандан олисда эришган галабанг шарафига юрт байроғи кўтарилган чоғларда ифтихордан кўзингга ёш келади. Уша кўнлари ўзбек спорти тарихига яна бир нузли саҳифани биттанамдан гурुरга тўлдирди.

Ун бир ёшимда отам мени шахримиздаги болалар ва ўсирилар от спорти мактабига етаклаб келган пайтда устозларим: «Ҳадемай, йирик мусобақаларга чиқасан, чемпион бўласан», дейишса, гапнинг рости, ишонгим келмасди. Ордан тўрт йил ўтиб, биринчи бор республика миқёсидаги беллашувда галаба нашидасини тотган палламда, агар одам ўз

орзу-ниятлари ижобати йўлида астойдил ҳаракат қилса, жуда кўп нарсаларга эришиши мумкинлигига ишондим. Кейин нуфузли биринчиликларда қатнашдим, саккиз бор мамлакат чемпиони деган шарафли унвонни кўлга киритдим. Ундан сўнг халқаро биринчиликлар, жаҳон кубоги финалига йўлланма... Базван ўйлаб қоламан. Агар юртимизда ёшларга эътибор, улар иқтидорига ғамхўр-

лик кўрсатилмаганида, мен каби оддий бир хўнарманднинг фарзандига катта спортга йўл қаёқда эди? Чиндан ҳам юртимизда спортнинг равнақи, унинг оммалашуви борасидаги кенг қўламли ишларга таъриф йўқ. Биргина биз шўғулланаётган мактабни олайлик. Бу ерда 60 нафар ёш чавандоз тахсил олаётди. Машғуллотларни юқори савияда ташкил этиш учун ҳамма имконият яратилган. Болалар кун бўйи ун олти спортчи отни йўрғалатиб, маҳоратларига сайқал

берилади. Уларнинг кўпчилиги вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларга чиқиб улғурган. Владимир Шмелёв, Аъзам Толибов, Восит Зокиров сингари тендошларим чемпионлик нуфузига эришишган.

Қозоғистондан қайтган куним хонадонимизда байрам бўлди. Қариндош-уруғлар, дўстларим табриқлашди.

— Уғлим, мана, спортнинг катта йўлига тушиб олдинг. Бу йўлдан бир текис бориш осон эмас. Бироқ биз сенга ишонамиз, ҳали жаҳон чемпиони бўласан, мени эса юрт қорига ярайдиган шундай ўғлонни тарбиялаб ўстираётганимдан қувончимнинг чеки йўқ, — деди ўша кун бағрига босганича падади бузурқворим.

Отам билдирган ишонч, устозларим сабоғини келгуси йили ўтказиладиган жаҳон кубоғи финалида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариш билан оқлашга қатъий аҳд қилиб қўйдим.

Умид КОМИЛОВ, Намангандаги болалар ва ўсирилар от спорти мактаби тарбияланувчиси.



ЯНГИЛИК // ТРАНСАЭРО
ТОШКЕНТ - МОСКВА
БИЗНЕС-КЛАСС
ЯНГИ ТАРИФИ
БИР ТОМОНГА
383 ЕВРО ВА
УНДАН ЮҚОРИ.
ДИҚҚАТ! Янги телефонлар:
227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.
www.transaero.ru

skywin
Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco.
100031, г. Ташкент, ул. Адросиаб, 2, офис 14.
Тел./факс (+998 71) 140-04-24,
tashkent@skywin-gmbh.com www.skywin.uz
Зимний сад
Индивидуальные системы зимних садов фирмы Schüco:
- архитектура и дизайн из стекла и солнечного света;
- высококачественные долговечные материалы;
- оптимальная вентиляция и теплоизоляция.
Ваш поставщик оконных, дверных и фасадных систем.
SCHÜCO
Поставка продукции только под заказ.

BERCALP
МИР обоев
Ecolamart
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 777-71-20
Товар сертифицирован.
форма оплаты — любая.
Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим А.Н. Саъдуллаевага турмуш ўртоғи Машъураҳон САЪДУЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания ходими Венер ХАМИДУЛИНИНГ вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

GRAND PRIX
АКЦИЯ ОТ UCell
UCellдан sovrinli poyga!
G'alabang — o'z qo'lingda!
Kompaniyaning pullik xizmatlaridan yanada ko'proq foydalanib, UCell taqdim etayotgan qimmatli sovg'a va sovrinlarga ega bo'lish imkoniyatini qo'lga kirit!
1 ta super yutuq — uy kinoteatri.
100 ta sovrin — DVD- playerlar, 3G xizmatini qo'llab turuvchi mobil telefonlari, LCD- televizorlari, videokameralar, kommunikatorlar hamda noutbuklar.
Bundan tashqari, aksiyaning faol ishtirokchilari uchun 55 000 ta sovg'a.
K'O'PROQ SO'ZLASHIB, K'O'PROQ IMKONIYATGA EGA BO'LI
YANADA K'O'PROG'INI KUTING

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
Газета тахририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материаллари
«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 22.15
Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6 7
• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусахҳах — Ҳ. Тошхўжаев.